Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 10 июнь чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 116 (1897)

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

## ”Давлат ер кадастри тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида эълон қилинсин.

3. Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тушган таклифларни умумлаштирсин ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуннинг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 30 апрель.

*(Ушбу Қонун лойиҳаси матни газетанинг 2-саҳифасида берилмоқда).*

# ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июнь куни туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашуви ҳамда Қозоғистон янги пойтахтининг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафарга жўнаб кетиш олдидан журналистлар билан қилган суҳбатида, жумладан, қуйидагиларни айтди:

— Мазкур анжуман туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи учрашувидир. Бу учрашувларда ҳар гал илдизлари бир, тарихлари бир, тақдирларида муштараклик кучли бўлган халқларнинг ўзаро аҳиллиги, тотувлигини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилиб келинмоқда. Аслида бу учрашувлардан ҳаммамизнинг кузатган мақсад ва ниятларимиз ҳам ана шундан иборат.

— Шахсан мен, — деб давом этди йўлбошчимиз, — туркийзабон давлатларнинг алоқалари худди шундай йўналишларда ривожланишига астойдил тарафдорман. Бироқ бунга сиёсий ёки сиёсий-ҳарбий тус берилиши мақсадга мувофиқ эмас. Туркийзабон давлатлар раҳбарлари ўзаро учрашиб, қадимий илдизларга эга биродарликларини ҳақиқий заминда қайта тиклаш, маънавий-маданий бойликларини юзага чиқариш ва ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаш йўлларини излашса, шу йўлларда баҳамжиҳат ҳаракат қилишса, бундан эзгу, олижаноб иш борми?!

Чиндан ҳам туркийзабон халқлар олис ва бой тарихга, бебаҳо маънавий-маданий меросларга эга. Бизнинг халқимиз ҳам ўзининг бой ўтмиши, улкан маънавий қадриятлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Шу муносабат билан Президентимиз «Алпомиш» достонининг нишонланажак 1000 йиллиги тўғрисида тўхталди. Аслида бу эпик ижодиёт дурдонаси бундан ҳам узоқ тарихли бўлиши мумкин. Агар маданий ўтмишимиз чуқур ўрганилса, қадриятларимизнинг илдизлари теран таҳлил этилса, шундай хулосаларга асос топиш мумкин. Бундай бойликлар бошқа туркийзабон халқларда ҳам бор. Биз мана шу бойликларимизни қадрлашимиз, уларнинг бебаҳо қимматини ёш авлодларга, келгуси наслларга ҳам етказиш йўлларини излашимиз керак.

Президентимиз яна шундай деди:

— Бундай учрашувлар маданиятларимиз муштараклигини ифода этибгина қолмай, олиб бораётган ишларимизни янада ривожлантиришда ҳам катта кўмак беради. Шу боис анжуманда ўзаро иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини кенг муҳокама этиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз айтганидек, бугунги кунда дунёнинг Марказий Осиёга эътибори кучайиб бормоқда. Бу минтақада нефть ва газнинг янгидан-янги конлари очилаётгани ҳам бизни якдилликка чорлайди. Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш учун бир-биримиз билан алоқаларни янада яқинлаштиришимиз ва бундан шу заминда яшаётган барча халқлар манфаатдор бўлишини таъминламоғимиз лозим.

Президент туркий тилли давлатлар ўзаро манфаатдор бўлган яна бир муҳим муаммо — коммуникация имкониятларини янада ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталди. Масалан, Туркманистон орқали Каспий денгизига, ундан Озарбойжон ва Туркия мамлакатларига чиқиб, катта дунё бозорига йўл очиш мумкин. Бундай тадбир минтақамиздаги давлатларнинг иқтисодий ривожланиши учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув Қозоғистоннинг янги пойтахти — Остонанинг халқаро тақдимот маросимига уланиб кетади.

— Бундай тадбирлар ўзбек ва қозоқ халқларининг дўст, қардош ва елкадош эканини яна бир бор намойиш қилади, деб ўйлайман, — деди Президент.— Шахсан мен бу тўйда қатнашаётганлигимдан мамнунман. Шу маросим баҳона қардош-қондош қозоқ халқига ўзбек халқининг саломини етказишдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР:

## НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

ОСТОНА, 9 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ҳамда халқаро жамоатчиликни Қозоғистоннинг янги пойтахти билан таништириш маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига келди.

Туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги — бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда туркийзабон мамлакатлар ўртасида маданият ва санъат, илм-фан соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Эртага Остона шаҳрида халқаро жамоатчиликни янги пойтахт билан таништириш маросими бўлади. Шу муносабат билан байрамона безанган шаҳарга турли давлатлардан меҳмонлар келмоқда.

**(ЎзА)**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

Унда Адвокатлар ва Судьялар ассоциациялари, Ички ишлар вазирлиги академияси, хорижий мамлакатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар, ихтисослашган муассасалар ва жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йили қабул қилинган ушбу декларация инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгиловчи муҳим ҳужжатга айланди. Бу тарихий ҳужжатнинг эълон қилиниши башарият тақдирида, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий тузилмалар фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Унда ишлаб чиқилган қоида ва тамойиллар моҳияти ҳамда мазмунига кўра, мукаммал ишланган ҳуқуқий меъёрларнинг умумлашган ифодасидир. Бу йил бутун дунё халқлари билан бирга, Ўзбекистон аҳли ҳам жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб берган мазкур декларация қабул қилинганининг 50 йиллигини нишонлайди.

Ушбу муҳим тарихий сана муносабати билан ўтказилган анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов очди.

Иштирокчилар Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов, Бош прокурор Б. Мустафоев, БМТ экспертлари Т. Салваратнам ва Яҳё ал-Жамолнинг республика қонунчилигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари, прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти, Конституциявий суднинг бу борада тутган ўрнига доир маърузаларини тинглади. Анжуманда инсон ҳуқуқларининг асосий ва халқаро тамойиллари, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилиги ва уни ҳаётга татбиқ қилиш тажрибалари, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда судлар ва прокуратура ходимларининг ўрни борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Анжуманда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи П. Симкин, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ раҳбари А. Саидов сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

# ҚУРИЛИШ СУРЪАТИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛИШИ ЗАРУР

**Қашқадарё вилояти Шўртан газ-кимё мажмуи қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг йиғилиши бўлди.**

Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда газ-кимё мажмуи қурилишида пудратчи бўлган республика қурилиш ташкилотлари, бирлашма, уюшма, концерн, корпорациялар раҳбарларининг йил бошидан буён бажарилган ишлар ҳақидаги ахборотлари тингланди. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида мўлжалланган ишлар 104 фоиз адо этилганини қайд этиш билан бирга, биринчи галда фойдаланишга топширилиши керак бўлган иншоотларни қуриш суръатини ошириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, шу йилнинг 1 августига қадар ётоқхоналар, ошхона, чойхона, амбулатория, маъмурий бино, болалар боғчаси ва бошқа бир қатор муҳим ижтимоий объектлар ишга туширилиши керак. Бу борада мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Комиссия йиғилишида Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Хаққулов, вилоят ҳокими Ш. Бегматов иштирок этди.

**(ЎзА)**






Наманганда халқаро савдо талабларига тўла жавоб берувчи «Жаҳон бозори» очилди. Анъанавий миллий услубда қад кўтарган савдо марказининг умумий майдони 40 гектардан зиёд.

Бу ерда савдо кечаю кундуз давом этади. Ҳар куни бозорга ўн мингдан ортиқ харидор ташриф буюради. Бозорда савдо учун қулай шарт-шароит яратилган. Шу билан бирга, ёпиқ павильонлар, умумий овқатланиш объектлари, сартарошхона, дорихона, фотоательелар ҳам ҳамиша одамлар хизматида.

**СУРАТЛАРДА:** «Жаҳон бозори»нинг умумий кўриниши; деҳқончилик маҳсулотларини сотишга мўлжалланган расталар.

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН БОШЛАНДИ

**Тошкентда мамлакатимиз ҳукуматининг ташаббуси билан Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ЭКО) минтақасида халқаро юк ташишни ривожлантиришда ерусти транспорт воситалари соҳасидаги конвенцияларга қўшилишнинг афзалликлари мавзуида халқаро амалий семинар-кенгаш иш бошлади.**

ЭКОга аъзо давлатлар ва юк транспорти соҳасидаги турли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашаётган семинарни Бош вазир ўринбосари Л.Аҳметов очди. Семинар-кенгашда ЭКОга аъзо давлатларнинг халқаро транспорт коммуникациялари билан боғланиши иқтисодий ривожланишга туртки бўлиши, Ўзбекистон ҳукумати бу йўналишда кўплаб ишларни амалга ошираётгани қайд этилди. ЭКО Бош котиби ўринбосари жаноб Алфат Ҳусайн Агралнинг маърузасида транспорт ва коммуникациянинг ривожлантирилиши минтақавий тараққиёт нуқтаи назаридан шу куннинг бош масаласига айланганини таъкидланди.

Маърузачилар минтақада транспорт тизимини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар қитъа давлатларининг Эрон орқали Форс кўрфазига, Покистон орқали Ҳинд океанига, Туркия орқали Ўртаер ва Қора денгизларга эркин чиқиш имкониятини яратиши ҳақида гапирдилар. Ҳозир ЭКОга аъзо давлатлар автомобиль йўлларининг ўзаро туташуви таъминланди. Эндиги вазифа шу йўлларнинг халқаро андозаларга мослигини ва улардан халқаро транзит йўли сифатида фойдаланишни таъминлашдир. Бунинг учун эса минтақа давлатлари ерусти транспорти соҳасидаги турли конвенцияларга қўшилиши лозим.

ЭКО давлатлари ичида фақат Ўзбекистонгина еттита энг муҳим халқаро конвенциянинг олтитасига аъзо бўлиб кирган. Бу ҳол Ўзбекистон юкларининг анча эркин ҳаракатланишига имкон яратмоқда. Бироқ қўшни давлатларнинг кўпчилиги бу конвенцияларга қўшилмагани ўзаро кераксиз қоғозбозлик, асаббузарликни келтириб чиқармоқда. Айрим давлатлар эса халқаро конвенция ва ўзаро шартномаларга зид бўлган турли қоидаларни ҳам жорий қилмоқдаки, бу иқтисодий муносабатларнинг чигаллашувига олиб келмоқда.

Семинарда таъкидланганидек, автомобиль ёки темир йўлларни қуриш — бу ҳали ярим иш. «Юклар шу йўлдан тез ўтадими, манзилга етгунича қимматлашиб кетмайдими, хавфсизликка ким кафолат беради, суғурта масалалари қандай ҳал қилинади, йўлларни яроқли ҳолда тутиш иқтисодий жиҳатдан зарар келтирмаслиги учун нималар қилиш керак?» каби қатор саволларга ҳам жавоб топиш лозим бўлади.

Бу каби масалаларни ҳал қилиш учун эса ЭКОга аъзо бўлган давлатлар тезроқ халқаро конвенцияларга қўшилиши лозим. Тошкентда ўтаётган семинар-кенгаш ерусти транспорти соҳасидаги конвенцияларнинг афзалликларини яна бир бор намоён этишдан ташқари, бу масалага томонларнинг қарашларини ойдинлаштириб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро семинар-кенгаш давом этмоқда.

**(ЎзА)**

## Арпага ўроқ тушди

Самарқанд вилоятининг лалмикор майдонларида ҳар качонгидан мўл ҳосил етиштирилди. Нуробод туманидаги "Олға" ва "Истиқлол" жамоа хўжаликларида арпага ўроқ тушди.

Туман ғаллакорлари яхши ният билан 32 минг гектардан кўпроқ майдонга ғалла экишган. Улар 12 минг тонналик хирмон уйиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, далаларда мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил пишиб етилмоқда.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Кун тартибида — суғурта тиббиёти

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида суғурта тиббиётига ўтиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда алоқадор вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотларнинг вакиллари, мутахассислар, шунингдек, хорижий мамлакатлар олимлари қатнашди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда суғурта тиббиётига ўтиш жараёни, унинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари, аҳамияти хусусида тўхталиб, тиббий хизмат кўрсатишнинг ушбу тури юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этдилар.

**(ЎзА)**

Акс-садо

# ЭНГ БУЮК МЕЗОН — АДОЛАТ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР**

## МУҚАДДАС ВАЗИФА

Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқини телевизор орқали тинглаб, газетада қайта-қайта ўқиб чиқдим. Бу нутқ Ўзбекистоннинг бирорта фуқаросини — у хоҳ деҳқон, ишчи, хоҳ чорвадор, зиёли, хоҳ мутахассис ва раҳбар бўлсин — мутлақо бефарқ қолдирмайди. Ҳамма-ҳаммани ўйлашга, мушоҳада юритишга, чуқур фикрлаб хулоса чиқаришга ундайди. Чунки йўлбошчимизнинг ҳар бир гапида теран маъно бор, энг муҳими, унда халқимизга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром, катта ишонч мужассам.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек халқи — меҳнаткаш, мард, кўпни кўрган халқ. Юртимизда шундай одамлар яшайдики, уларнинг кўнглини кўтарсанг, ҳақ гапни айтсанг, ҳақиқий етакчи бўлсанг, улар билан ҳамдард бўлиб, елкадош яшасанг, ҳамма нарсага эришиш мумкин. Аммо айрим раҳбарлар иш юритишда ана шу тўғри йўлдан оғишмай бориш ўрнига, манманлик, димоғдорлик ва такаббурлик касалига мубтало бўлганлари ғоят ачинарлидир. Натижада жойларда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, шахсий садоқатига қараб лавозимга қўйиш учраб қолаётир.

Маҳаллийчилик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Бунга тарих гувоҳ.

Биз ҳаммамиз бир халқ — ўзбек халқимиз. Буни асло унутмайлик. Бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош қароргоҳи майдонида мустақил давлатимиз байроғи ҳилпираб турган экан, бундан чексиз ғururланишимиз керак. Истиқлолнинг ўтган етти йили мобайнида мамлакатимизда ақл бовар қилмайдиган ўзгаришлар юз бериб, жаҳон аҳлини ҳайратга соладиган ўнлаб йирик саноат корхоналари ишга туширилган экан, буларнинг ҳаммаси Президентимиз, ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг, одамларнинг ўз кучига ва истиқболга ишонтира олганининг мевасидир. Бундан ҳам фахрланишимиз лозим.

Зеро, раҳбарликда гап кўп. Шу боис юртбошимиз сессияда раҳбарнинг жамиятдаги ўрни, масъулияти, ноёб фазилатлари, раҳбарликнинг энг буюк мезони — адолат ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, бундай деди: **«Ҳақиқий раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратишга даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай бахт барчага — каттаю кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман».**

Бу пурҳикмат сўзларнинг мағзини чақишимиз, ундан ўзимиз учун етарли даражада сабоқ чиқариб олишимиз шарт. Чунки зиммамиздаги улуғвор вазифа — Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг қадимий шон-шуҳрати, асрлар мобайнида тўпланган обрў-эътибори, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий қудратини тиклаш вазифаси ҳамжиҳатлик билан, бир ёқадан бош чиқариб хизмат қилишимизни талаб этмоқда. Бу энг муқаддас вазифадир.

**Мамажон ХОЛИҚОВ,**
**Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Намуна» ширкатлар уюшмасининг деҳқон (фермер) хўжалиги бошлиғи.**

## ИШОНЧГА ДАРЗ КЕТМАСИН

**А. ҲАЛИМБЕТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани «Оқ олтин» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси:**

— Қайси соҳада раҳбар бўлмасин, биринчи навбатда ижтимоий адолат принципларини сақлаши зарур. Агарда у бузилса, халқ орасида норозилик келиб чиқади. Шунинг учун биз, раҳбарлар айтилган сўзлардан тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак. Одамлар турмуши, хусусан, уларга ойлик маош ва нафақаларнинг вақтида берилиши, кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш, касалхоналар ва мактаблар аҳволи, аҳолини ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор берилаётганлиги мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг нақадар халқчил эканлигидан далолат беради.

## КАМТАРГА КАМОЛ

**Фарҳод ИСМОИЛОВ, республика «Камолот» жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг раиси:**

— Республикамиз Президенти айтиб ўтган хато ва камчиликлар бизнинг фаолларимиз ўртасида чуқур таҳлил этилди. Бугунги раҳбарнинг қиёфаси, халқ орасида иш олиб бориш, демократия принципларига риоя қилиш масалалари яна бир бор эслаб ўтилди.

Совет тузумидан қолган асоратларни йўқ қилиш, инсоннинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари бугунги кунда асосий фаолиятимиздан бири эканлигига иқрор бўлдик.

Президентимизнинг куюниб гапирганларини давлатимизнинг порлоқ келажагига бўлган катта ишонч деб биламиз. Бу йўлда кимки ишончни оқламаса, тўсқинлик қилса, уни ҳеч ким кечирмаслигини ҳаёт яна бир бор кўрсатди.

Ёш кадрларни тарбиялаш, ватанпарвар инсонларни вояга етказиш, сидқидилдан меҳнат қилиш ҳаётимизнинг асосий мезонига айланиши лозим ва ўйлаймизки, республикамиз равнақи йўлида меҳнаткаш халқимиз ҳеч қачон адашмайди.

